

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020. Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВА ЛАЙЛО БАХТИЁР ҚИЗИ

**БЎЛАЖАК БОШЛАНГИЧ СИНОФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ
ДИДАКТИК- МЕТОДИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(бошланғич таълим)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Ахмедова Лайло Бахтиёр кизи

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини дидактик-методик компетентлигини
ривожлантириш.....3

Ахмедова Лайло Бахтиёр кизи

Развитие дидактико-методической компетентности будущих учителей
начальных классов21

Akhmedova Laylo Baxtiyor kizi

Development of didactic- methodological competence of future primary school
teachers39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publication.....43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020. Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВА ЛАЙЛО БАХТИЁР ҚИЗИ

**БЎЛАЖАК БОШЛАНГИЧ СИНОФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ
ДИДАКТИК- МЕТОДИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(бошланғич таълим)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Ped2946 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси www.tdpu.uz ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Абдуллаева Барно Сайфулдиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий ошмонентлар: **Матчанов Сапа**
педагогика фанлари доктори, профессор

Исакулова Нилуфар Жаннуловна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Фаргона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020. Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «7» 03 соат 8:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 1481 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86

Диссертация автореферати 2022 йил 26.02 да тарқатилди.
(2022 йил 26 02 да 70 рақамли реестр баённомаси)

**М.Э.Хайдаров**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Р.Г.Иссянов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, п.ф.д., доцент

Н.А.Муслимов
Илмий даражалар берувчи илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аянотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлигини ривожлантиришнинг креатив технологиялари таълим жараёнига татбиқ этилмоқда. Компетенциявий ёндашув асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг инновацион йўналишлари, ўқитишнинг вариатив шакллари, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик тайёргарлигини ривожлантириш механизмларини амалиётга татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар бажарилмоқда.

Жаҳон олий таълим муассасаларида бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик тайёргарлиги сифатини таъминлаш, таълим жараёнини моделлаштириш, лойиҳалаштириш, дидактик тайёргарликни такомиллаштириш, дидактик сифатларни ва компетенцияларни ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларига касбга тайёрлашни халқаро малака талаблари асосида олиб бориш, таълим сифатини халқаро даражага кўтариш, билим кўникмаларини ривожланиш даражаси диагностикасини амалга ошириш, модулли таълимни йўлга қўйиш, ижтимоий коммуникативликни фаоллаштириш, бошланғич синф ўқитувчисининг профессионаллигини аниқлаш бўйича илмий-тадқиқотларга эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлигини ривожлантириш, бошланғич синфларда таълим жараёнини ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш, компетент мутахассис ва дидактик компетенцияни ривожлантириб, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилмоқда. “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сисъатини давом эттириш¹” муҳим устувор вазифа сифатида белгиланди. Натижада, компетентли ёндашув асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик фаолиятини педагогик технологиялари асосида такомиллаштиришнинг педагогик имкониятлари кенгайдди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” фармони, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли илм-тадқиқотларда фаол иштирокчини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорлари, 2018 йил 28 декабрь на 2020 йил 20

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” фармони // Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатлари тўплами. - Т., 2017. 6-сон.

январдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида ҳамда мазкур фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бўлажак ўқитувчиларнинг тайёргарлигини такомиллаштириш масалалари Б.С.Абдуллаева, А.А.Абдуқодиров, Р.Г.Исянов, Н.А.Муслимов, А.А.Халиқовлар томонидан тадқиқотлар олиб боришган. Бошланғич таълимни ташкил этишни такомиллаштириш масалалари Қ.Абдуллаева, Х.С.Бакиева, С.Матчонов, У.А.Машарипова, Н.Ш.Рузикулова, М.И.Тошпўлатова, А.А.Уразимбетова, А.Ғуломов, Т.Ғаффорова, Х.Ғуломовлар томонидан тадқиқ қилинган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида компетенцияларни ривожлантиришнинг назарий-методик асослари Б.Г.Ананьев, А.Н.Алексеев, В.В.Гузев, И.А.Зимняя, Н.В.Кузьмина, С.В.Лазарев, А.К.Маркова, А.М.Матюшкин, Л.А.Петровская, В.В.Сериков, А.В.Хуторской, И.С.Якиманская, Д.Б.Элькониинларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Компетент мутахассис ва дидактик-методик компетенцияни ривожлантириш муаммолари юзасидан Bonimar T.Afalla, Fitzgerald L.Fabelico, Gabriela Kelemen, Rodrigo Lozano, Michelle Merrill, Kaisu Sammalisto, Kim Ceulmans, Francisco J.Lozano, N.Tsankov, Pembe Bozat, Cigdem Nursen, Benjamin Fauth, Jasmin Decristanлар илмий изланишлар олиб боришган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-1-23-рақамли «Бошланғич синф ўқитувчилари учун мультимедиали дарс ишланмалари мажмуасини яратиш» мавзудидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2015-2017 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлигини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини таҳлил этиш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлиги тузилмасини ривожлантириш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлигини ривожлантириш моделини такомиллаштириш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлигини трансформация технологиясини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлигини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент давлат педагогика университети, Жиззах давлат педагогика институти ва Кўкон давлат педагогика институтларининг жами 663 нафар талабалари ва 15 нафар ўқитувчилари жалб этилган.

Тадқиқотнинг предметини бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлигини ривожлантиришнинг тақдир, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатни ўрганишга қаратилган усуллар мажмуи қўлланди: назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик тажриба-синов ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлиги саводхонлик, ижодкорлик, санъаткорлик даражалари аутодидактик бошқарув ҳаракатлари билан монологик ва диалогик нутқини ўстириш асосида аниқланган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлиги тузилмаси қадриятли-мотивацион, изланувчан-ахборотли, рефлексив, процессуал-фаолиятли, дидактик-технологик, когнитив-баҳолаш компонентларини интегратив яхлитлаш асосида ривожлантирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлигини ривожлантириш модели маъжудлик, интенсив, ижодкорлик кўрсаткичлари давлат тилида касбий мулоқот юритиш компетенциясини ривожлантириш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлиги адаптив ва репродуктив ўқитишга трансформациялаш кўникмалари адабий талаффуз малакасини коррекциялаш контексти асосида ривожлантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлиги тузилмаси ривожлантирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлигини ривожлантириш модели такомиллаштирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари дидактик-методик компетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий таъминоти ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлдан келтирилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллار ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлари воситасида асосланганлиги, ҳулоса, тақлиф ва

тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетенциялар тузилмаси, компонентлари, ривожлантириш модели ўрганилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасаларида дарслик, ўқув кўлланма, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлигини ривожлантириш таъминотидан фойдаланиш имконияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлигини ривожлантиришга оид олинган илмий натижалари асосида:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлигини ривожлантириши маълумотлилик, саводхонлик, ижодкорлик, санъаткорлик даражалари аутодидактик бошқарув ҳаракатлари орқали аниқлаштирилган таклиф ва хулосалардан ПЗ-2017927124-рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 6 сентябрдаги 02-07-2188/04-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетенцияларини мустақил таълим компонентлари орқали ривожлантиришга эришилган;

қадриятли-мотивацион, изланувчан-ахборотли, рефлексив, процессуал-фаолиятли, дидактик-технологик, когнитив-баҳолаш компонентларини интегратив таъминлаш асосида ривожлантирилган бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлиги тузилмасига оид таклиф ва хулосалардан А-1-23-рақамли “Бошланғич синф ўқитувчилари учун мультимедиали дарс ишланмалари мажмуасини яратиш” номли лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда амалда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 6 сентябрдаги 02-07-2188/04-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини дидактик-методик компетентлиги тузилмасини такомиллаштириш имконияти оширилган;

мавжудлик, интенсив, ижодкорлик кўрсаткичлари орқали такомиллаштирилган бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлигини ривожлантириш моделига оид таклиф ва хулосалардан А-1-23-рақамли “Бошланғич синф ўқитувчилари учун мультимедиали дарс ишланмалари мажмуасини яратиш” номли лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда амалда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 6 сентябрдаги 02-07-2188/04-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг дидактик-методик

компетентлигини ривожлантириш моделини такомиллаштириш имконияти кенгайтирилган;

адаптив ва репродуктив ўқитишга трансформация парадигмаси ўзгаришлари контекстида ривожлантирилган бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлигига оид таклиф ва хулосалардан ПЗ-2017927124-рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 6 сентябрдаги 02-07-2188/04-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси дидактик-методик компетентлигини ривожлантиришнинг модулле босқичларини аниқлаштиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шундан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 124 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган ҳамда илмий-амалий аҳамияти, натижаларининг ишончлилиги, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми масалалари ўз аксини топган.

Диссертациянинг **“Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини дидактик-методик компетентлигини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида “дидактик-методик компетентлиги” тушунчасининг мазмун-моҳияти, бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг дидактик-методик компетентлиги хусусиятлари ҳамда ривожлантиришга концептуал ёндашув ёритилган.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг дидактик-методик компетентлиги дидактик ва методик фаолиятининг хусусий кўриниши сифатида педагогик объеклар билан ишлаш бўйича билим, кўникма, малакалари ва методлари бирлиги тизимли туғдунилади.

Н.А.Муслимов ўз тадқиқотлари доирасида компетентлик ва компетенция тушунчаларининг этимологик таҳлилига тўхталиб: компетентлик бу – талабанинг шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга дидактик фаолиятни амалга оширилиши учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ҳамда уларни дидактик фаолиятда қўллай олиш қобилияти натижасидир. Демак, шу ўринда «компетентлик» тушунчаси мазмун-моҳиятига тўхталар эканмиш, у икки кўринишда намоён бўлиши: хусусан, компетентлик талабаларнинг шахсий сифатлари мажмуи ҳамда дидактика соҳасининг таянч талаблари сифатида намоён бўлиши аниқланди.

Н.И.Запрудский ўз тадқиқотлари доирасида “дидактик компетентлик масаласини талқин этар экан: “муайян даражадаги дидактик мажбуриятларни бажариш имкониятини таъминловчи шахснинг дидактик аҳамиятли сифатлари, билим, кўникма, малакалари тизими” сифатида намоён бўлади деб талқин қилади. А.К.Маркованинг таъкидлашича, дидактик компетентлик ўқитувчи меҳнат фаолиятининг асосий педагогик жиҳатларини таҳлиллар асосида ёритиб бериш ва ўз устида ишлаш ва эгалланган билим, кўникма, малака ва амалий фаолиятининг натижаси сифатида юзага чиқиши мумкинлиги масалаларини тадқиқ этган.

Т.Полякова тадқиқотлари доирасида бўлажак ўқитувчиларнинг дидактик компетентлиги масаласини тадқиқ этар экан, олим тарихий дидактик-методик компетентликни ривожлантириш масаласи долзарблиги, бўлажак ўқитувчи шахсининг хусусиятлари ривожланиши масалаларини ёритган.

Бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик фаолияти бир қанча йўналишларни амалга ошириш компоненти сифатида, бошланғич таълим фанларини амалий, мунтазам ва изчил, намуналар ва махсус машқлар асосида ўргатиш, турли хатоларнинг олдини олиш ва уларни тўғрилаш орқали ўз устида ишловчи амалий вазифаларни бажариш амалга ошириш юзасидан ўзлаштирилган компетентлик сифатида намоён бўлади.

Диссертацияда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлиги саводхонлик, ижодкорлик, санъаткорлик даражалари аутодидактик бошқарув ҳаракатлари билан монологик ва диалогик нутқини ўстириш асосида аниқлаш, дидактик-методик компетентлиги тузилмаси қадриятли-мотивацион, изланувчан-ахборотли, рефлексив, процессуал-фаолиятли, дидактик-технологик, когнитив-баҳолаш компонентларини интегратив яхлитлаш асосида ривожлантирилиши аниқланган.

Дидактик-методик компетентликнинг мотивацион-назарий соҳасини ривожлантириш учун мезон, шахс сифатлари бўлиб, мотивлар ва интилишлар ифодаланишининг даражаси ва суръати хизмат қилади. Қадриятли-мотивацион, изланувчан-ахборотли компонентлар кўникмалар тизимининг тўлиқлиги, унинг чуқурлиги, манткийлиги, яхлитлиги ва тўғрилиги бўйича белгиланади. Дидактик-методик компетентликнинг амалий соҳасини ривожлантириш учун мезон сифатида шахс амалиёти ва технологик ёндашуви хизмат қилади. Дидактик-технологик, когнитив-баҳолаш компонентлари шахсий ўқув-педагогик хатти-ҳаракатларининг когнитив назорати шаклланганлиги даражаси, хусусиятларнинг ифодаланиши даражаси ва суръатидан келиб чиқиб белгиланади. Дидактик-методик компетентликнинг тадқиқотчилик-рефлексив

соҳасини ривожлантириш учун мезон сифатида шахс тадқиқот фаолияти (битирув иши, курс иши, турли тезислар ва мақолалар нашр этиш) хизмат қилади. Рефлексив, процессуал-фаолиятли компонентлари таълим муассасасида ўқув-тарбия жараёнини лойиҳалаш, ташкил этиш ва бошқариш бўйича фаолиятнинг индивидуал-ижодий услубини ривожлантириш билан белгиланади.

Бўлажак бошланғич таълим ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлигини ривожлантиришда когнитив компонентнинг таълимий жиҳатларини шакллантирган ҳолда, дидактик-методик компетентликнинг барча тармоқ соҳаларида идентификациялаш билан таълим субъектининг таълим объекти, гуруҳ, гуруҳ вақилига ўхшатиш ёки тенглаштиришда эмоционал-когнитив англаш жараёнларини алоҳида ажратиб ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Диссертацияда бўлажак бошланғич таълим ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлигини ривожлантиришда гносеологик функция таълимни лойиҳалаш объекти сифатида педагогик жараёни билишга оид; муайян технологияларни ўқув-жараёнида қўллаш ва ўрганишга; таълимий масалаларни ечишнинг усуллари "тўплами"ни тузиш; ўқитувчининг педагогик ва психологик жиҳатдан асосий ғояларини аниқлаштириш ўқитувчининг дидактик-методик фаолиятида ўз-ўзини, индивидуал-интеллектуал психологик хусусиятларини аниқлаштиришга йўналтириш орқали ривожлантириш мумкинлиги аниқланган.

Ўқув жараёнида лойиҳавий функция ўқув-тарбия жараёнини операцион, технологик таъминлашда, яъни педагогик жараён иштирокчиларининг мазмуни, шакллари ва амалий фаолиятини лойиҳалашда, маълум вазиятда самарали педагогик усуллар орқали ташкил этишда муҳим ўрин тутди. Бўлажак ўқитувчи маълум педагогик технологиянинг ишлаб чиқишда, ўқитувчи билан бирга ишлаб чиқиши методларни қўллашни ўрганишга замин туғдиради.

Ўқув жараёнида меъёрий функциянинг аҳамияти бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларни тайёрлашда унинг педагогик амалий фаолиятида кадриятли йўналганлик компоненти билан ўқув жараёнида меъёрий функциясини бажарувчи сифатида педагогик меъёрларга риоя этишни қўллаб-қувватлайди ҳамда ўқув-тарбия жараёнини лойиҳалаш, маълум педагогик технологияларни амалиётда қўллаш, давлат таълим стандартини амалга ошириш субъекти сифатида мақсадга йўналтирилган амалий фаолиятни таъминлайди.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлигини ривожлантиришда рефлексив функция, педагогнинг ўз амалий фаолиятининг асосини англаш орқали ривожлантиришни таъминлайди ва унинг ўқув жараёнини ташкил этилишида ўз қобилияти, ривожлантирувчи имкониятларини баҳолаш ва қайта баҳолашни амалга ошириш муҳим ўрин тутди. Мазкур функцияни амалга ошириш рефлексияни ривожлантиришда, таълим жараёни субъектларида алоҳида аҳамият касб этади.

Диссертацияда бўлажак бошланғич таълим ўқитувчисининг дидактик-методик компетентлиги таълим функциялари ҳамда унинг дидактик

имкониятлари ўзаро муносабатлар ва мулоқот, мотив ва мақсаднинг олдиндан аниқлаш, мотивацион-қадриятли йўналганлик, креатив-ижодкорлик ва рефлексивлик ривожланиш даражаси деб талқин этилган.

Дидактик-методик компетентлик шаклланганлигининг маълум ўқув-педагогик вазифалар турларини ечиш қўникмаларининг ривожланганлиги даражасига боғлиқлигини таъкидлаш лозим. Дидактик-методик компетентликнинг юқори даражасига эга ўқитувчи дидактик фаолият натижалари ишончлилиги ва барқарорлигининг юқори даражаси билан ажралиб туради, педагогик вазифаларнинг турли гуруҳларини бир хилда муваффақиятли хал этади.

Диссертациянинг “**Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг дидактик-методик компетентлигини ривожлантириш методикаси**” деб номланган иккинчи бобида талабалар дидактик-методик компетентлигининг мотивацион-назарий соҳасини ривожлантириш, талабалар дидактик-методик компетентлигининг амалий ва тадқиқот-рефлексив соҳаларини ривожлантириш, талабалар дидактик-методик компетентлигининг ривожлантириш модели ёритилган.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлигини ривожлантиришда технологик ёндашув энг самарали ҳисобланади. Тадқиқотимиз доирасида технологик ёндашув икки функцияларда намоён бўлади: бўлажак ўқитувчининг дидактик шаклланишига йўналтирилган ўқув жараёнини куриш ва педагогик тизимлар ҳолатини таҳлил қилиш; бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг дидактик-методик ривожлантириш моделини лойиҳалаштириш учун ўқув жараёнини технологик куриш лойиҳасини амалга ошириш.

Технологик ёндашувнинг биринчи функцияси ўқув жараёнини куриш ва бўлажак ўқитувчининг дидактик ривожланишига қаратилган педагогик тизимнинг ҳолатини таҳлил қилиш учун технологик ёндашув тамойиллари (изчиллик, яхлитлик, таълим тизимининг тўлиқлиги, мақсадлар бирлиги, илмийлик, интегративлик, таълим воситаларининг динамик тамойили, оптималлик тамойили, жараённинг қайта ишлаб чиқилиши тамойили)ни шакллантириш имконини беради.

Технологик ёндашувнинг иккинчи функцияси – бу ундан бўлажак бошланғич синфлар ўқитувчиларида дидактик-методик компетентликни ривожлантириш моделини лойиҳалаштириш ва технологик курилган ўқув жараёнида лойиҳаларни амалга ошириш учун фойдаланишдир. Бу белгиланган функциянинг берилган ёндашув билан технологик мувофиқлигини амалга ошириш учун зарур ҳисобланади. Вазифалар педагогик технология доирасида асосий методик восита сифатида намоён бўлади.

Дидактик-методик компетентликни ривожлантириш динамикаси ўзаро боғланган босқичлар тизими орқали, маълум кетма-кетликда (мотивацион-назарий, амалий ва тадқиқот-рефлексив) орқали ривожлантирилган. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисида ўқув-педагогик масалаларнинг дидактик-методик компетентликни ривожлантиришга йўналганлигини аниқлаш мумкин.

Дидактик-методик компетентлик ривожланганлик даражасини аниқлаш, ривожланиш истиқболларига мос бўлган мақсадни белгилаш, жараённинг дидактик-методик компетентликни ривожлантиришга мўлжалланган ўқув-педагогик масалаларнинг мажмуидан фойдаланиш якунида натижаларнинг эришишига хизмат қилади. Бунда жараён ўқув-педагогик масалаларнинг турли кўринишларини ишлаб чиқиш, махсус тузилган ўқув-педагогик масалаларни ечиш орқали компетентликнинг бир неча алоқадорликни ажратиб кўрсатиш, дидактик-методик компетентликни ривожлантиришга йўналтирилган таълим олиш имкониятларини очиб бериш орқали амалга оширилади. Жараёнда қуйидаги педагогик топшириқлар занжирларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

нотуғри маълумотли тақдим этилган топшириқлар – бир неча ечимли топшириқлар, зиддиятли топшириқлар;

экстраполяция топшириқлар – зиддиятли топшириқлар, тақризлаштириш топшириқлари ёки нотуғри маълумотли тақдим этилган топшириқлар, бир неча ечимли топшириқлар, ўқув вазиятларини қуриш топшириқлари;

ўқув вазиятларини қуриш топшириқлари – зиддиятли топшириқлар, тақризлаштириш топшириқлари;

тақризлаштириш топшириқлари – зиддиятли топшириқлар, экстраполяция топшириқлар;

зиддиятли топшириқлар – бир неча ечимли топшириқлар, нотуғри маълумотли тақдим этилган ва кўрсатилган вазибалар аниқланади.

Масалаларни ечиш босқичларини амалга оширишда қатъий изчилликни назарда тутати. Дидактик-методик компетентликни ривожлантириш мақсадига эришиш учун тизимнинг умумий тавсифларига: яхлитлиги, структуравийлиги, умумий тавсифларига эга масалалар мажмуидан фойдаланиш зарур.

Бўлажак ўқитувчи дидактик-методик компетентликни ривожлантириш моделини амалга ошириш учта (мақсадли, фаолиятли, натижавий баҳолаш) блокни ўз ичига олади. Модель ўзида тадқиқ қилинаётган объектга хос схема, физик чизма, белгили шакл ёки формула кўринишидаги сунъий яратилган объект бўлиб, ушбу объект ўртасидаги элементларни структура, хусусият, ўзаро боғлиқлик ва муносабатнинг соддароқ шаклида намоён қилади. Моделнинг мазмунли-мақсадга қаратилган блоки жараёндаги содир бўладиган тизимнинг асосий таркибий қисмлари сифатида тадқиқотда ўзаро фаолиятдаги мақсад, вазибалар, тамойиллар ва ёндашувлардан иборат.

Шунингдек, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлиги компонентлари ва уни ривожлантириш соҳалари ёритилган. Моделнинг процессуал-фаолиятли блоки ўқитиш дастурлари, шакллари, методлари, воситалари ва даражаларидан ҳамда натижавий-баҳолаш блоги эса даражалар бўйича баҳолашдан иборат (1-расмга қarang).

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлигини ривожлантириш модели мавжудлик кўрсаткичи бўлажак ўқитувчи меъерий ҳужжатларга ориентир олиши, дарсни ташкил этиш ва олиб боришнинг турли методларини лойиҳалаштириши, дарс босқичларини муваффақиятли ташкил этилиши назарда тутилади.

Илтимой бузуртма: бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлигини ривожлантириш

Тадқиқотнинг мақсади: бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлигини ривожлантиришдан иборат

Мазмунли-мақсадга қаратилганлик блоки

Мақсад	Вазифалар	Тамойиллар	Ёндашувлар		
бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини дидактик-методик компетентлигини ривожлантириш	дидактик-методик компетентлигини ривожлантириш, йўналишлари ва босқичларини аниқлашнинг, мотивацион муҳитини такомиллаштириш	тарбия ва ривожлантирувчи таълим, табақалаштириш, ёш имкониятларини ҳисобга олиш тамойиллари	тизимли, шахс фаолиятига бўналтирилган, компетентли, фаолиятли ёндашув		
Компонентлари					
қадриятли-мотивацион	изланувчан-акборотли	рефлексив	процессуал-фаолиятли	дидактик-тешиқ-логик	когнитив-баҳолаш
Соҳалари					
мотивацион-назарий		амалий		ташқиқот-рефлексив	

Процессуал-фаолиятли блок

Ўқитиш методлари	Шакллари	Методлари	Воситалари
Рақамли таълим шаронтида репродуктив, дастурий, ривожлантирувчи таълим воситалари	Иллюстратив ва тушунтириш, муаммоли, когнитив, ностандарт дарслар	Таълимнинг оғлаки, қўргамали, амалий, муаммоли излаш, мустақил ишлар, репродуктив эвристик, ўз-ўзини назорат қилиш методлари	Матнли, тасвирли, аудио-визуал, ёрдамчи, моделли воситалар

Натيجавий-баҳолаш блоки

Мезонлар		
Мотивацион-назарий	Амалий	Ташкилотчилик -рефлексив
Даражалари		
қуён	ўрта	юқори
саводхонлик	ижодкорлик	санъаткорлик

1-расм. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлигини ривожлантириш модели

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлигини ривожлантириш модели мотивацион-назарий, амалий, ташкилотчилик-рефлексив мезонлар асосида такомиллаштирилди.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлигини ривожлантириш модели ижодкорлик кўрсаткичи фан методологияси бўйича тадқиқотларга ориентир олиши, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни ташкил этишининг турли методларини лойиҳалаштириши, дарс босқичларини муваффақиятли ташкил этилиши назарда тутилади.

Ривожланиш масалалари ахборот харитасида ифодаланади. бунда алоҳида равишда талабанинг “ақин ривожланиш соҳаси” ақс эттирилади. Бизнинг тадқиқот ишимиз доирасиди: ривожланиш ахборот харитаси ўқув жараёни лойиҳасини амалга оширишдан сўнг (яъни бўлим якунланганидан кейин материал ўзлаштирилган, диагностика мустақил иш ўтказилган, уй вазифаси бажарилган ва тузатиш амалга оширилган) йўналганликни ва кейинги микромақсадни ўзгартиришга имкон беради.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлиги адаптив ва репродуктив ўқитишга трансформация парадигмаси ўзгаришлари контекстида ривожлантирилган.

Диссертациянинг “Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш” деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишлари мазмуни, уни ташкил этиш ва натижалари таҳлили келтирилган.

Кўйилган вазифаларга мос равишда ўтказилган тажриба-синов ишлари учта босқичда олиб борилди: изланувчи-таъкидловчи, шакллантирувчи, умумлаштирувчи. Шунингдек, эмпирик маълумотларни йиғишнинг турли-туман методлари мажмуидан фойдаланилди: олий таълим муассасаларида педагогик жараёни кузатиш, олий таълим муассасалари ўқитувчилари, талабалари билан индивидуал суҳбатлар, талабалар ва ўқитувчилар анкета-сўровномалари, педагогик ҳужжатлар таҳлили

Педагогик тажриба-синов ишлари “5111700 – Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш” таълим йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини дидактик-методик компетентлигини ривожлантириш тажриба-синов дастури асосида маъруза ва семинар машғулотлар ҳамда мустақил таълимга татбиқ қилинди (1-жадвалга қаранг).

Тадқиқот юзасидан тажриба-синов ишлари 3 босқичда 2019-2021 йилларда ташкил қилинди ва ўтказилди. Биринчи-изланувчи-таъкидловчи босқичда бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлигини ривожлантиришга доир психологик-педагогик, методик адабиётлар ўрганилиб таҳлил қилинди.

Дидактик-методик компетентлиги ривожлантиришга ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш ҳолати таҳлил қилинди ҳамда уни таълим-тарбия жараёнидаги аҳамияти ўрганилди. Изланувчан босқичда тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти “Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлигини ривожлантириш” жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш учун сўровнома ишлаб чиқилди.

Ўтказилган илмий адабиётларнинг назарий-методологик таҳлили бизга, “Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлигини ривожлантириш”га қаратилган технологиялар тўпламини аниқлаш, ривожланиш механизмини тавсифлаш; «инновацион фаолият» тушунчасини аниқлаштириш, технологияларнинг педагогик имкониятларини аниқлаш, педагогик шарт-шароитларни ажратишга имкон берди. Умумлаштирувчи босқичда “Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини дидактик-методик компетентлигини ривожлантириш” моделининг

самарадорлигини тажриба-синовда текшириш билан боғлиқ бўлиб, унда педагогик тажриба-синов ишлари жараёнида биз томонимиздан тадқиқотчилик методлари мажмуидан фойдаланилди.

1-жадвал

Педагогик тажриба-синов ишларида иштирок этган талабалар сони

ОТМ	Босқичлар	Тажриба	Назорат	Жами
Тошкент давлат педагогика университети	1-2-босқич	52	56	108
	3-босқич	28	30	58
	4-босқич	26	25	51
Жиззах давлат педагогика институти	1-2-босқич	56	55	111
	3-босқич	30	28	58
	4-босқич	27	29	56
Қўқон давлат педагогика институтлари	1-2-босқич	58	57	115
	3-босқич	26	25	51
	4-босқич	27	28	55
Жами	1-2-босқич	166	168	334
	3-босқич	84	83	167
	4-босқич	80	82	162

Бўлажак ўқитувчиларнинг технологик ёндашувни амалга ошириш доирасига киритилиши талабаларнинг ўзини ўзи такомиллаштириш, ўзини ўзини муносиб англаш ва уларда акс эттириш малакаларини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратди. Мотивацион-назарий соҳада бошланғич синф ўқитувчисининг дидактик-методик компетентлигини ривожлантириш динамикаси босқичлар асосида жадвал ва диаграммада акс эттирилган (2-жадвалга қаранг).


Ушбу объектларда ташкил этилган тажриба-синов натижаларининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида юқорида таъкидланган мезонлар бўйича мос баҳолаш ишлари олиб борилди.

Бошланғич синф соҳасидаги мотивацион-назарий малакаларни ривожлантириш бўйича экспериментал ишнинг учинчи босқичи натижаси, танловнинг усулларини ҳисоблаш бўйича диагностик жараёнда қуйидаги ўзгаришлар содир бўлди: талабалар ўқув ва дидактик фаолиятда олдинга қўйилган мақсадларига мувофиқ рефлексия усулларига эга бўлдилар; педагогик таъсирни лойиҳалаштириш технологик жараёнларини ўргандилар; бошланғич таълим ва тарбиянинг ноанъанавий методлари, восита ва усуллари индивидуал тўплами билан бойитдилар; ўқув-педагогик ва педагогик топшириқларни муносиб ва самарали ҳал этиш технологик карталарининг танловини ўзлаштирди.

**Мотивацион-назарий соҳада дидактик-методик компетентлик
ривожланиш динамикаси**


Босқичлар	Дидактик-методик компетентлик даражалари	Тажриба бошида		Тажриба охирида	
		Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи
биринчи босқич	паст	57%	56%	25%	53%
	ўрта	37%	38%	53%	39%
	юқори	6%	6%	22%	8%
иккинчи босқич	паст	54%	53%	22%	51%
	ўрта	38%	39%	54%	41%
	юқори	8%	8%	24%	8%
учинчи босқич	паст	48%	49%	20%	47%
	ўрта	42%	41%	51%	43%
	юқори	10%	10%	29%	10%

Тажриба бошида талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари аниқланди (2-расмга қаранг):



2-расм. Тажриба бошида талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари

Тажриба охирида талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари аниқланган (3-расмга қаранг):



3-расм. Таъриба охирида талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари

Педагогик таъриба-синов ишларининг ҳар босқич ва соҳаларини умумий кўрсаткичлари аниқланган (4-расмга қаранг):



4-расм. Ҳар бир мезонлар бўйича умумий самарадорлик кўрсаткичлари

Демак, педагогик таъриба-синов ишлари бўйича олиб борилган тадқиқотда мотивацион-назарий соҳа бўйича 13% га, амалий соҳа бўйича 12% га ва тадқиқотчилик-рефлексив соҳа бўйича 12% га юқори эканлиги математик сатистика усуллари орқали ўз исботини топди.

ХУЛОСА

“Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлигини ривожлантириш” мавзусидаги педагогика фанлари бўйича фалсафа докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида куйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлигини ривожлантириш моделида интенсив ижодкорлик кўрсаткичларини касбий мулоқот юритиш компетенциялари такомиллаштирилган.

2. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлиги тузилмасини кадриятли-мотивацион, изланувчан-ахборотли, рефлексив, процессуал-фаолиятли, дидактик-технологик, когнитив-баҳолаш компонентлари интегративлигини таъминлаш асосида ривожлантирилган.

3. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлиги адаптив ва репродуктив ўқитишга трансформация парадигмаси ўзгаришлари контекстида ривожлантирилган.

4. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетенцияларини мустақил таълим (ўргатувчи, тайёрловчи, мустаҳкамловчи, такрорий, ривожлантирувчи, ижодий, назорат қилувчи) орқали ривожлантирилган.

5. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлиги саводхонлик, ижодкорлик, санъаткорлик даражалари аутодидактик бошқарув ҳаракатлари билан монологик ва диалогик нутқини ўстириш функциялари аниқланган.

6. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлиги тузилмаси кадриятли-мотивацион, изланувчан-ахборотли, рефлексив, процессуал-фаолиятли, дидактик-технологик, когнитив-баҳолаш компонентлари ривожлантирилган.

7. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлигини ривожлантириш модели мазвудлик, интенсив, ижодкорлик кўрсаткичлари давлат тилида касбий мулоқот юритиш компетенцияси такомиллаштирилган.

8. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик-методик компетентлиги адаптив ва репродуктив ўқитишга трансформациялаш кўникмалари адабий талаффуз малакаси ривожлантирилган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА БАЗЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.03/30.01.2020. Ped.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

АХМЕДОВА ЛАЙЛО БАХТИЯР КИЗИ

**РАЗВИТИЕ ДИДАКТИКО-МЕТОДИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ
БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ**

**13.00.02 - Теория и методика образования и воспитания
(начальное образование)**

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2022.1.PhD/Ped2946.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен по адресам: в веб-странице Научного совета – www.idpu.uz, а также информационно-образовательном портале "ZiyoNet" – www.ziyo.net/uz.

Научный руководитель: **Абдуллова Барно Сайфутдиновна**
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Матчанова Сапа**
доктор педагогических наук, профессор

Исакулова Нилуфар Джаанкуловна
доктор педагогических наук, профессор

Ведущая организация: **Ферганский государственный университет**

Защита диссертации состоится «7» 03 2022 года в 8⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете. (Адрес: 100011, г.Ташкент, Чиланзарский район, ул. Буведкор, 27. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86, e-mail: idpu_kengash@edu.uz;

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрированной №1485) (Адрес: 100011, г.Ташкент, Чиланзарский район, ул. Буведкор, 27. Тел.: (99371) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Автореферат диссертации разослан «26» 02 2022 г.
(реестр протокола рассылки № 70 от «26» 02 2022 года)


М.Э.Хайдаров
председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.п.н., профессор
Г.Г.Исмаилов
секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, к.п.н., доцент
Н.А.Муслимов
председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в образовательный процесс внедряются креативные технологии развития дидактико-методической компетентности будущих учителей начальных классов. На основе компетентностного подхода осуществляются системные работы по внедрению в практику инновационных направлений подготовки конкурентоспособных кадров, вариативных форм обучения, механизмов развития дидактико-методической подготовки будущих учителей начальных классов.

В высших учебных заведениях мира проводятся научные исследования по обеспечению качества дидактико-методической подготовки учителей начальных классов, моделированию, проектированию учебного процесса, совершенствованию дидактической подготовки, развитию дидактических качеств и компетенций. В этом отношении внимание уделяется научным исследованиям по проведению подготовки будущих учителей начальных классов к профессиональной деятельности на основе международных квалификационных требований, повышению качества образования до международного уровня, проведению диагностики уровня развития познавательных навыков, налаживанию модульного обучения, активизации социальной коммуникативности, определению профессионализма учителя начальных классов.

В последние годы в нашей республике создаются нормативно-правовые основы развития дидактико-методической компетентности будущих учителей начальных классов, организации учебного процесса в начальных классах с использованием средств информационных технологий, подготовки конкурентоспособных кадров путем развития компетентного специалиста и дидактической компетентности. "Дальнейшее совершенствование системы непрерывного образования, расширение возможностей предоставления качественных образовательных услуг, продолжение политики подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда" было определено в качестве важной приоритетной задачи. В результате на основе компетентностного подхода расширятся педагогические возможности совершенствования дидактико-методической деятельности будущих учителей начальных классов на основе педагогических технологий.

Данная исследовательская работа в определенной степени служит для реализации задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 "О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан" от 7 февраля 2017 года, в постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-2909 "О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования" от 20 апреля 2017 года и №ПП-3775 "О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах" от 5 июня 2018 года, в обращении к Олий

Мажлису от 28 декабря 2018 года и 20 января 2020 года, и других нормативно-правовых актов, относящихся к данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данная исследовательская работа выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики I. "Формирование и способы реализации системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информационного общества и демократического государства".

Степень изученности проблемы. Вопросы совершенствования подготовки будущих учителей были исследованы Б.С.Абдуллаевой, А.А.Абдукадыровым, Н.А.Муслимовым, Р.Г.Исяновым, А.А.Халиковым. Вопросы совершенствования организации начального образования были исследованы К.Абдуллаевой, Х.С.Бакиевой, А.Гулямовым, Т.Гаффаровой, Х.Гулямовой, С.Матчановым, У.А.Магдариповой, Н.Ш.Рузикуловой, М.И.Ташпулатовой, А.А.Уразимбетовой.

В странах Содружества независимых государств теоретико-методические основы развития компетенций нашли свое отражение в исследованиях таких ученых Б.Г.Ананьева, А.Н.Алексеева, В.В.Гузеева, И.А.Зимняя, Н.В.Кузьминой, С.В.Лазарева, А.К.Марковой, А.М.Матиюшкина, Л.А.Петровской, В.В.Серикова, А.В.Хуторской, И.С.Якиманской, Д.Б.Эльконина.

Из зарубежных ученых: научные исследования по проблемам развития компетентного специалиста и дидактико-методических компетенций проводили Bonimar T.Afalla, Fitzgerald L.Fatelic, Gabriela Kelemen, Rodrigo Lozano, Michelle Merrill, Kaisu Sammalisto, Kim Ceulmans, Francisco J.Lozano, N.Tsankov, Pembe Bozat, Cigdem Nursen, Benjamin Fauth, Jasmin Decristan.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательской работы высшего учебного заведения, в котором выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках практического проекта – А-1-23 на тему "Создание комплекса мультимедийных учебных разработок для учителей начальных классов", плана научно-исследовательских работ Ташкентского государственного педагогического университета (2015-2017).

Целью исследования является разработка рекомендаций по развитию дидактико-методической компетентности будущих учителей начальных классов.

Задачи исследования:

анализ педагогических возможностей развития дидактико-методической компетентности будущих учителей начальных классов;

разработка структуры дидактико-методической компетентности будущих учителей начальных классов;

совершенствование модели развития дидактико-методической компетентности будущих учителей начальных классов;

совершенствование технологии трансформации дидактико-методической компетентности будущих учителей начальных классов.

В качестве объекта исследования был определен процесс развития дидактико-методической компетентности учителей будущих начальных классов, всего в опытно-экспериментальные работы были привлечены 663 студентов и 15 преподавателей Ташкентского государственного педагогического университета, Джизакского государственного педагогического института и Кокандского государственного педагогического институтов.

